2009-yil 17-mart № 32-33 (2602) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Инсон маънавий камолотга эришиш йўлида ҳаракат қилганидек, дунёни билишга ҳам уринса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Умумхалқ ҳашари

меҳр-оқибат байрамига айланди

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 мартдаги фармойишига мувофиқ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-оқибат каби миллий қадриятларимизга хос эзгу фазилатларни янада юксалтириш, қишлоқ ва шаҳарлардаги маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, республикадаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда умумхалқ Наврўз байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 2009 йилнинг март-апрел ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ҳамда 14-15 март умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб белгиланганди.

Шу муносабат билан юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида, энг чекка қишлоқ, овул, маҳаллаларда ҳам кенг қулоч ёзди.

Умумхалқ хайрия ҳашари жойлардаги барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, шунингдек, фуқаролар йиғинлари ҳудудида уюшқоқлик билан ташкил этилиб, унда 16 миллион нафардан зиёд киши қатнашди. Уларнинг 10 миллионга яқини ёшлардир. Икки кун давомида эл-юрт юмушига бел боғлаган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан 30 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, 21 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар ва лотоклар тозаланиб, 7 мингта зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди.

Ҳашар кунларида юртимиз бўйича 16,5 миллион туп манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари ҳамда 9 миллиондан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди. 23,5 миллиондан ортиқ дарахтларга шакл бериш ва уларни оқлашда фуқароларимиз беқиёс ҳисса қўшди.

Умумхалқ хайрия ҳашари қон-қонимизга сингиб кетган инсонпарварлик, олижаноблик, саховатпешалик туйғуларининг яққол ифодаси ҳамдир. Анъанага кўра, бу галги хайрия ҳашарида эҳтиёжманд фуқаролар, кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга, етим-есирларга, ногиронларга 570 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилиб, эҳтиёжманд оилаларга тегишли 334 минг квадрат метр ҳажмдаги турар-жойлар таъмирлаб берилди.

Ҳашар муносабати билан вазирликлар, идоралар ҳамда барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлар «Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим, бўлинмалари бошқарувларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказилмоқда. Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга, кўп болали, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатишга, хусусан, қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, қишлоқ маҳаллаларининг моддий-техника базасини яхшилашга ҳамда уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашга йўналтирилади.

Мазкур тадбир ҳақида жойлардаги мухбирларимиз хабар қилади.

СУРХОНДАРЁ

— Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган умумхалқ ҳашарида 1 миллион нафар сурхондарёликлар иштирок этдилар, — дейди вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Эркин Кўчкинов.

— Уларнинг иш ҳақларидан 1 миллиард 480 миллион сўм маблағ жамғармамиз ҳисоб-рақамига ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Бу маблағлар қишлоқларимизни ободонлаштириш, инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак бериш, маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш ва жамғарма низомида кўзда тутилган бошқа меҳр-саховат тадбирларига йўналтирилади. Аллақачон Наврўзолди хайрия ишлари ҳам бошлаб юборилди. 100 та кам таъминланган оилага бир бошдан соғин сигир бердик. Шунингдек, юздан ортиқ ёлғиз қарияларнинг уй-жойлари таъмирланди.

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши даштида қад кўтарган Талимаржон ва Нуристон шаҳарчаларида, вилоят марказидан анча олисда жойлашган Жейнов, Чандир, Балхияк, Қирққулоч, Байтқўрғон, Мироқи, Қайнарбулоқ қишлоқларида ҳашар ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан кўтаринки рухда ўтди.

Қарши туманининг «Носир боғбон», Косондаги «Тўлға», «Шоймардон бобо», Нишондаги «Хўжаёр ота», Миришкордаги «Янгибой» каби мавжуд 9038 та фермер хўжалиги аъзолари баҳорга пешвоз чиқиб, яхши ният билан экин экишга киришдилар.

1247 та боғдорчилик, уч юзга яқин сабзавот ва полизчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари далаларида агротехника тадбирлари янада авж олди. Воҳада бу йилги кўкламда 1 миллион 21 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, жумладан 176 минг дона япон сафораси, 16 минг дона каштан, 1 миллион дона гул кўчатлари ўтқазилди.

— Умумхалқ хайрия ҳашари нафақат ободончилик ва бунёдкорлик, балки эзгулик ва саховат тадбирига айланди, — дейди «Наврўз» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Р.Нурматов. — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар амалга оширила бориб, ҳашар кунларида ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди, уларга 100 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

ЖИЗЗАХ

Наврўзолди умумхалқ хайрия ҳашарида жиззахликлар ҳам фаол қатнашдилар. Икки кунлик меҳнат байрамида 853538 киши иштирок этиб, 1776 га майдон ободонлаштирилди. 955,1 км узунликдан ариқ-зовурлар тозаланиб, 237955 туп мевали, 851768 туп манзарали дарахт, 772866 туп гул кўчатлари ўтқазилди, 284 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди.

Эҳтиёжманд оилалардан 862 нафарига моддий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 17685,4 квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлари таъмирланди. Буларга сарфланган маблағ 17337,8 минг сўмни ташкил этди.

Айниқса, Жиззах шаҳридаги «Ўрда» ёшлар экологик боғи, «Ёшлар шаҳарчаси», Зомин туманидаги трикотаж фабрикаси, Пахтакор туманидаги Ёшлар боғи, Фориш туманидаги Болалар истироҳат боғи, Ғаллаорол туманидаги Марказий ўйингоҳлар сингари объектларда катта ишлар амалга оширилди.

■ Ўқув

Меҳнаткаш ҳимояси – бош масала

ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг кадрлар ва юридик бўлим бошликлари ҳамда Марказий кенгашнинг вилоятдаги вакиллари ва кенгаш раислари учун ўқув-семинар бўлиб ўтди.

— «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси корхоналарида 2008 йил якунлари бўйича ўсиш суръати 120 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми эса 375 млн. долларга кўпайди, — деди компания кадрлар бошқармаси бошлиғи Ш.Қосимов. — Тармоқни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш Дастурини бажариш юзасидан 66 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бугунги кунда мазкур лойиҳаларнинг 60 таси маҳсулот ишлаб чиқариш бошлаб юборилган. Тармоққа хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва ўзлаштирилиши эвазига 23 та янги корхона ишга туширилди. Мазкур корхоналарнинг 10 таси тайёр буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Йирик саноат корхоналари ва касаначилар ўртасидаги кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш асосида аҳоли бандлиги билан боғлиқ муҳим муаммолар ўз ечимини топмоқда. Биргина 2008 йилнинг ўзида компания корхоналари бўйича 1,5 минг иш жойлари ташкил этилди.

Семинарда «Бозор иқтисодиёти шароитида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида ижтимоий-иқтисодий ҳамда меҳнат муносабатлари бўйича тармоқ битимлари тўғрисида», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ишчи-ходимларни ҳимоя қилиш, ишсизликнинг олдини олиш бўйича вазифалар», «Иш берувчи ва ишловчилар орасидаги меҳнат муносабатлари» каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

— Бугунги ўқув-семинар ҳамкасблар билан тажриба алмашиб, ўрганганларимизни амалиётда татбиқ этишимиз учун бир имконият, — дейди «Bayteks Ticaret» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси кадрлар бўлими инспектори Д.Юсупова. — Икки кун давом этган анжуманда тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга етук мутахассислар томонидан жавоб олдилар.

— Етакчилик ўзига хос масъулият ҳамдир, — дейди Марказий кенгашнинг Андижон вилоятидаги вакили Б.Жўраев. — Айниқса, қонунларни мукаммал билиш музокаралар чоғида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мазкур ўқув-семинар бу борадаги билимларимизни янада бойитди. Жамоа шартномалари тузишда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида муайян тушунчага эга бўлдик. Иш фаолиятимизда булардан самарали фойдаланамиз.

Ўқув-семинар тингловчилари пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилиш билан бирга, Муқимий номидаги мусиқали драма театрида «Жайдари келин» спектаклини томоша қилдилар.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Семинар

Куни кеча ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Ўқув машғулотлари жараёнида мутахассислар ва ҳуқуқшунослар касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, ходимлар манфаатини ҳимоялашнинг муҳим жиҳатлари ва бошқа мавзуларда маърузалар ўқишди. Машғулотларнинг ўзаро фикр алмашув, тажрибалар билан ўртоқлашиш тарзида ўтиши тингловчилар учун самарали кечди. Назарий машғулотлардан кейин улар Ангрен шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши фаолияти билан танишиб, бошланғич ташкилотлар тажрибасини ўрганишди. Ўқув сўнгида тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

■ Тадбир

Марҳабо, Наврўз!

Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, «Наврўз» Халқаро хайрия жамғармаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ва Кизил Ярим Ой жамияти кенгашлари ҳамкорлигида Ҳ.Ҳ. Ниёзий номидаги мусиқа коллежида «Наврўз ва қадриятлар» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танлов қатнашчилари 3 та шарт бўйича беллашишди.

— Наврўз янгиланиш, яшариш айёми, — дейди Республика «Меҳр ва мурувват» фонди шаҳар филиали директори О. Каримова. — Байрам олдидан бундай тадбирларнинг ўтказилиши ёшларнинг миллий қадриятларга бўлган ҳурматини оширади, бу борадаги билимларини чуқурлаштиради.

Танлов натижаларига кўра, Тошкент шаҳар банк коллежи талабаси Наргиза Атақулова ғолиб деб топилди ва танловнинг республика босқичига тавсия этилди.

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

■ Таҳлил

Мамлакатимиз экспорт салоҳияти кенгайиб бораётган, ҳатто олис қишлоқларимизда замонавий технологиялар билан жиҳозланган кичик ишлаб чиқариш субъектлари пайдо бўлаётган бир шароитда ночор корхоналар аҳволи кўпинча эътибордан четда қолаётгандек туюлади. Фарғона вилоятида ана шундай 73 та корхона мавжуд бўлиб, уларда ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, инвестициялар киритиш, янги иш ўринларини яратиш бўйича доимий мониторинг ўрнатилган. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар юзасидан вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасининг иқтисодий ночор ва монополист корхоналар таркибини ўзгартириш бўлими бошлиғи ўринбосари Каримжон Усмонов билан суҳбатлашдик.

Корхоналар иқтисоди

Уларнинг ҳолати иш ўринлари барқарорлигига ҳам бевосита боғлиқ

— 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра соғломлаштириш бўйича мониторинг ишлари олиб борилаётган корхоналарда 68.4 фоиз ижобий ўзгаришларга эришилди, — дейди суҳбатдошимиз. — Уларда ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 120 фоизга ошди. 28.4 млрд. сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Шу ўринда инвесторларнинг кредитлари қўл келганини айтиш лозим. Киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 4.7 млрд. сўм ва 16 млн. АҚШ долларига етди. Бунинг эвазига 500 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, «Чимён парранда» МЧЖга соғломлаштириш дастурига кўра корхонанинг асосий таъсисчиси ҳисобланган «Азия агор алянс» МЧЖ томонидан паррандахоналарни қайтадан таъмирлаш мақсадида 2 млн. 287.5 минг доллар миқдорида инвестиция киритилди. Натижада 2009 йил январ ҳолатига кўра корхона айланма маблағларининг ҳажми 1 млрд. 628,6 млн. сўмга етказилди. Ишлаб чиқариш ҳажми 1 млрд. 155.8 млн. сўмни ташкил қилди.

«Бешариқ текстил» АЖда ҳам соғломлаштириш дастурига мувофиқ ижобий натижаларга эришилди. Корхонанинг хорижий инвестори «GENMARK LLP» томонидан киритилган 5.1 миллион евро миқдоридаги инвестиция ҳамда Ислом тараққиёти банкидан олинган 4 миллион АҚШ доллари ҳисобига йигирув, трикотаж, бўёқ, тикув ишлаб чиқариш цехлари учун зарур агрегатлар, дастгоҳ ва ускуна механизмлари харид қилиш имконияти пайдо бўлди. Ҳозирги кунда тикув цехида 3 та поток линияси ишга туширилди ва 314 та тикув машиналари ўрнатилди. 2009 йилнинг биринчи чорагида корхонада 350 та иш ўрни ташкил этилиб, узлуксиз иш тартиби йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Шунингдек, соғломлаштириш дастурига киритилган «Бешариқ парранда» АЖ, «Файзобод қишлоқ қурилиш» МЧЖ, «559-ХКМК» МЧЖ корхоналари фаолиятида ижобий натижаларга эришилди. Мазкур корхоналар негизида 17 та қўшма, шўъба ва кичик корхона ташкил этилиб, 390 та иш ўрни яратилган.

— Шунга қарамасдан вилоятда зарар кўраётган ва иқтисодий қийинчиликларни енга олмаётган корхоналар ҳамон учраб турибди. Уларнинг бу ҳолатдан чиқиб кетишлари учун банк кредитлари ёки бошқа бирор кўмак берилаяптими?

— Йил бошида вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда рентабеллик даражаси паст, молиявий кўмакка муҳтож корхоналарга банк маблағларини жалб қилиш, «Акбаробод мебел» МЧЖ, «78-АТП» МЧЖга 10 та ва «24-АТП» МЧЖга 5 та «Исузу» автобуси харид қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, «Бувайда ЙТБ», «54-АТП», «Қўқон гўшт», «Бўстон парранда» ва «Файзобод ССК-1» каби корхоналар фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. «75-ХКМК» корхонасининг молиявий аҳволи жойида ўрганилиб, 2009 йилнинг 1 ва 2 чораклари инвестиция киритиш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва янги иш ўринларини яратиш бўйича жадвал ишлаб чиқилди. 2009 йилнинг 6 ойи давомида 370 млн. сўмлик қурилиш хизмати кўрсатиш, 160 млн. сўмлик инвестиция киритиш белгиланди.

«Тошлоқ АТП» АЖ томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ 360 млн. сўмлик банк кредитидан бўлган қарздорликни 320 млн. сўмга камайтиришга эришилди. «Фарғона спринг» қўшма корхонасида асосий ишлаб чиқариш ва маъмурий бинонинг томи, электр линияси ва подстанцияларни тўлиқ таъмирланди. Ишлаб чиқариш биноларининг ички қисмида капитал таъмирлаш ва пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа бўйича қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати 111.2 млн. сўм бўлиб, ҳозирги кунда 750 млн. сўмлик ишлар амалга оширилди.

Кези келганда, ўз вақтида банклардан кредитлар олиниб, ушбу кредитлардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида бир неча жамиятлар банкротлик ҳолатига келиб қолганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Ушбу жамиятлар сафига 9- ва 10-АТПларни киритиш мумкин. Президентимизнинг корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга қаратилган фармонларига асосан «Шарқ неъматлари» корхонаси «Асака банк» балансига ўтказилди. «Фарғона кимёвий толалар» заводини икки қисмга бўлиб сотиш бўйича таклиф тайёрланмоқда. «Буюк ипак йўли», «Фарғона ип газлама ишлаб чиқариш» ва «Фарғона сунъий чарм заводи» акционерлик жамиятларини аукцион савдоларда сотиш ва инвестиция киритиш белгиланган.

«Ishonch» мухбири
Улуғбек ИБОДИНОВ суҳбатлашди

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

Байрам элга ярашар

Тўйга тайёргарлик кўриш, тўёна билан келиш халқимизга хос азалий одат. Шаҳри азим Тошкентнинг 2200 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Яккасарой туман ҳокимлиги, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари раҳбарлари, мазкур тумандаги корхона, ташкилот, ўқув муассасалари касаба уюшма фаоллари, туман жамоатчилиги вакиллари иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Ғ.Зуннунов Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили дастури ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга йўналтирилган амалий ишлар ва режалар тўғрисида атрофлича тўхталди. Шунингдек, Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Шарипова муштарак мақсадларни амалга оширишда касаба уюшмалари билан ҳамкорлик юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган бўлса, Республика «Маънавият тарғибот маркази» Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбари И. Абдуғаниев пойтахтнинг қутлуғ ёшини муносиб нишонлаш борасида маънавий-маърифий, маданий тадбирларга катта аҳамият берилаётганлиги, шаҳримизнинг кўҳна тарихини ўрганишга оид илмий асарлар тайёрланаётганлигини баён этди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

Касаба уюшма ҳаётидан

Билимларни мустаҳкамлаш

фаолиятимиздаги муваффақиятни белгилайди

Касаба уюшмалари ўз олдига қўйган вазифаларни тўлақонли амалга оширишда ходимлар ва фаолларнинг билимларини мустаҳкамлаш, маҳоратларини оширишнинг аҳамияти катта. Зеро, билимли мутахассисгина зиммасидаги масъулиятни ҳис қила олади. Шу боис ҳам Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мунтазам равишда жойларда ходимлар ва фаоллар ўртасида ўқув-семинарлар ўтказишни йўлга қўйган.
Навбатдаги ўқув-семинарлар йилнинг дастлабки икки ойида барча туманларда ва тармоқларда ўтказилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ташкилий бўлим мудири О.Отажонов, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши бўлим мудири О.Болтаев «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшма ташкилотлари олдида турган асосий вазифалар хусусида» маъруза қилиб, Федерация кенгаши қарорлари мазмун-моҳияти, касаба уюшмалари афзалликларини асослаш омиллари, касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ҳисобга олиш тартиб-қоидалари ва бошқалар тўғрисида кенг тушунча бердилар.

ВКУТБ меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Ю.Салаев, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши бўлим мудири П.Одамбоева, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси ўринбосари А.Қурбонниёзовларнинг маърузалари эса «Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг ҳаракат дастури» ҳақида бўлди. Маърузачилар шартнома ва келишувлар тузиш, экспертизадан ўтказиш тартиб-қоидалари, нодавлат сектор ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш шакллари, иш ҳақи, қарздорлик, уларни ундириш тартиби, аҳолини иш билан таъминлаш, «Бандлик» дастурини бажаришда касаба уюшмаларининг вазифалари, иқтисодий ночор корхоналар ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш усуллари ва бошқалар хусусида тўхталдилар.

Шунингдек, ВКУТБ ижтимоий суғурта бўлими мудири Б.Матмуродов, «Ижтимоий суғурта, унинг манбалари, ундирилиши, сарфланиши, ўтказиш тартиби, бу борада касаба уюшмаларининг вазифалари» мавзусида маъруза қилди. Икки минг нафардан зиёд тингловчиларни қамраб олган ўқув-семинарлар жонли мулоқот, савол-жавобларга бой бўлди. Иштирокчилар касаба уюшмалари тўғрисидаги билим ва таассуротларини мустаҳкамлаган ҳолда, галдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Томорқа хўжалиги — рўзғор баракаси

Қамаши лимонлари



Истиқлол шарофати билан қишлоқда мулкдорлар синфи вужудга келди. Бугунги кунда имкониятини топган одам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Қашқадарёнинг Қамаши туманида бўлганимизда, кейинги пайтда цитрус мевалари етиштиришга катта эътибор берилаётганлигини мамнуният билан таъкидладилар.

Туманнинг соҳибкор деҳқонлари билан машҳур бўлган Чим қишлоғида бўлдик. Ҳудудда элликдан зиёд киши тадбиркорликка қўл урибди. Авлод-аждоди уста деҳқон ўтган Қурбон ака Чориев хонадонидамиз. Ҳазрати инсоннинг қадақ қўли билан яратилган мевазор боғ куртак отиб, ям-яшил барг ёзаяпти.

— Бекордан худо безор, деганларидек бола-чақалар билан яна бир хайрли ишга қўл урдик, — дея Қурбон ака бизни томорқасидаги иссиқхонага бошлади. — Ҳар йили 4-5 миллион сўм даромад оламиз.

Тажрибали боғбон 2,5 сотих ерда иссиқхона барпо этиб, лимон етиштираяпти. Сурхондарёдан олиб келиб экилган кўчатлар қад тутиб, мева бера бошлади. Цитрус дарахтларини парваришлашда Қурбон акага фарзандлари, келини Гулжаҳон Жўраева яқиндан ёрдам беради.

Қамашининг Қорақўтон қишлоғида юзлаб оилалар лимончилик билан машғул. Кекса деҳқон Соат бобо Бойқуловнинг айтишига қараганда, 10-15 ёшли ҳар бир дарахт 100 килогача ҳосил тугади.

Парда Шерматов, Насриддин Бойқулов, Жонимқул Шоймардонов каби уста деҳқонлар ҳар мавсумда 350-400 килограмдан ҳосил олиб, 3,5-4 миллион сўм даромад қилишяпти.

— Лимон таркибида инсон соғлиги учун ниҳоятда фойдали С, В витаминлари ва бошқа бир қанча моддалар бор, — дейди қишлоқ хўжалик фанлари доктори Исматулла Эрназаров. — У иштаҳани, шамоллашнинг олдини олади, иссиқни туширади. Олимларнинг аниқлашича, қандли диабет касаллигига чалинишдан сақлайди, шарбати эса рак касаллигининг олдини олиш хусусиятига эга.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Жиззах



***ЖИЗЗАХ** — қадимий воҳа. Минг бир қайнар булоқлари, тоғу қирлари, кўксини ҳосилга тўлдирган дала-ю боғлари, қадим-қадимларда қад тиклаган қўрғону работлари, табиат меҳридан яралган истироҳат боғлари билан машҳур маскан.*

Вилоятнинг иқлим шароити жаҳон бозорида алоҳида эҳтиёж ва талабга эга бўлган қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун жуда қулай. Полиз, сабзавот, мева ва узум маҳсулотлари етиштиришда вилоят алоҳида ажралиб туради.

Воҳанинг асл бойлиги — бу меҳмондўст, меҳнатсевар халқи. Жами 1 миллион 150 минг кишидан иборат аҳолининг қарийб 70 фоизи қишлоқларда яшайди.

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида пахтачилик ва ғаллачилик муҳим ўрин тутади.

Фаровон турмуш учун

Истиқлол йилларида қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Чекка ва олис овулларда ҳам бугунга келиб замонавий мактаб, коллеж, ҚВП, савдо ва бошқа ижтимоий объектлар қад ростламоқда. Бунёдкорлик ишлари давом этаяпти. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ одамлари ҳам шаҳарликлардан қолишмайдиган шароитда яшашга интилмоқда.

Қизиқувчиларга қадимий касб-кор сирлари сингдирилмоқда. Натижа чакки эмас. «Ташаббус-2008» танловида ўймакор Г.Маннонова, зардўз З.Қосимова, Г.Шукурова туман, вилоят босқичларида ғолиб бўлишди.

Устоз-шогирд анъаналарига кўра, ёшларни ишга жойлаштиришга эришилаяпти. Ҳудудимизда гилам цехи, иссиқхона, савдо шохобчалари, кичик корхоналар ишлаб турибди. 10 дан ортиқ тўгаракларда кўнгилли машғулотлар ўтказилаётир. Оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Аълочи ва фаол ўқувчилар ҳар чоракда фуқаролар йиғинининг эсдалик совғалари ҳамда «Фахрий ёрлиқ»лари билан тақдирланмоқда. Ўтган йили саховатпеша кишиларимиз ижтимоий ҳимояга эҳтиёжмандларга 1,5 млн. сўм миқдорида ёрдам кўрсатди.

Жорий йилда маҳаллаларимиздаги 12 та янги кўчани асфалтлаш, газ, электр энергияси олиб бориш, чекка қишлоқ — «Арватин» ёшлари учун спорт зали барпо этиш, «Жиззахлик» ҚВПга янги, замонавий тиббий асбобускуналар олишга кўмаклашиш, ён-атрофни ободонлаштириш ва бошқа юмушларни бажариш режалаштирилган.

Дилбар САИДОВА,
Жиззах туманидаги Охунбобоев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси

Эзгулик йўлида

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида қабул қилинган вилоят дастуридан:

- ҳар бир туманнинг олис қишлоқларида 5 тадан иссиқхона қурилади.
- 217,8 км. масофада ирригация тармоғи тозаланади. Бунга 239,58 млн. сўм маблағ сарфланади.
- ҳар бир туманда иккитадан 10-15 минг бош парранда боқишга ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилади.
- Зомин туманида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинади. Лойиҳани амалга ошириш учун 2504,8 млн. сўм маблағ ажратилади.
- вилоятда ёз мавсумида 4350 бола соғломлаштирилади.
- 9 та ҚВП, 8 та қишлоқ участка шифохонаси замонавий тиббий аппаратлар билан жиҳозланади.
- олис қишлоқларда 14 та янги касб-ҳунар коллежлари қурилади. Уларга сарфланадиган маблағ 28.343,9 млн. сўмни ташкил этади.
- жорий йилда 3 та янги мактаб олис қишлоқларда янгидан қурилади, 71 та мактабда капитал реконструкциялаш, 32 тасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади.
- 13 та болалар спорти иншоотлари қурилади. Унга 2011 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилади.
- «Ziyo-Net» компютер тармоғига 328 та мактаб ҳамда 13 та касб-ҳунар коллежи уланади.
- чекка қишлоқларда 5 та минибанк фаолият кўрсата бошлайди.
- 123 км. масофадаги ичимлик суви тизимига 1851,7 млн. сўм маблағ сарфланади.
- олтита туманнинг олис қишлоқларида 10 та йўналишда автотранспорт қатнови очилади.
- 253,6 км. масофадаги қишлоқ йўлларида капитал ва ўрта таъмирлаш амалга оширилади.

Тараққиёт ва 2009 йилнинг

Қарор ва ижро

Вилоятда балиқчиликни ривожлантириш имконияти кенг. Айдаркўл, Арнасой, Тузкон сингари йирик кўллар, шунингдек, кўплаб сунъий сув ҳавзалари балиқ етиштиришда катта қулайлик туғдиради.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилдики, буларнинг барчаси соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Бугунга келиб юздан зиёд тадбиркорлик субъектлари табиий ҳамда сунъий сув ҳавзаларини узоқ муддатли ижарага олиб, балиқчиликни ривожлантириш ишлари билан машғул. Улар ўтган йили минг тоннадан зиёд балиқ етиштирдилар. Жиззах балиғи нафақат воҳада, балки Тошкент, Самарқанд шаҳарлари бозорларида ҳам харидоргир.

Республика балиқчилик питомнигидан келтирилаётган балиқ чавоғи ҳавзаларни ҳақиқий хазинага айлантирмоқда. Мутахассисларнинг кузатишича, сўнгги йилларда ҳавзаларда сув қушлари орқали чавоғи келиб қолган денгиз балиқларининг ўндан ортиқ тури учрайди. Балиқчилик ривожида катта ҳажмда мелиорация ишлари бажарилаяпти. Сувости тиканли ўтлардан тозаланиб, балиқлар кўпайишига имкон яратилаётир.

Дўстлик туманида жойлашган «FORA-SEAFODC» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ҳозирча ягона жамоа саналади. Олтмишдан зиёд киши доимий меҳнат қиладиган мазкур корхона балиқ гўштини суяксизлантирган ҳолда музлатиб хорижга ҳам экспорт қилаётир. Ўтган йили 220 тоннадан зиёд маҳсулот хорижлик истеъмолчиларга жўнатилди.

Шунингдек, қатор тадбиркорлар балиқни қайта ишловчи корхона қуришни лойиҳалаштиришмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар гектар сув ҳавзасида 10 тоннагача балиқ етиштириш мумкин. Жиззахлик балиқчилар бу борада тинмай изланяпти, тўпланган тажрибалар эса кенг оммалаштирилаётир.

Абдувоҳид ТЎХТАЕВ,
«Ishonch» мухбирлар пости аъзоси

Жиззах балиқлари

Келишувлар ва жамоа шартномалари амалда

14.721 та иш ўрни

Жамоа шартномалари ҳамда тармоқ келишувларида хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ва бошқа ишчи-ходимлар манфаатлари тўла кафолатланган.

Бугунги кунда вилоят халқ хўжалиги тармоқларида 150 мингдан зиёд хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Йилига ўртача 1500 дан зиёд аёл қўшимча таътилдан фойдаланмоқда. 260 нафарининг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари узайтирилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш ҳудудий дастурига кўра, 14.721 нафар аёл доимий иш ўрнига эга бўлди.

Шерзод ҚОБИЛЖОНОВ,
«Ishonch» мухбирлар пости аъзоси

Тобора ривожланиб бормоқда

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоятимизда 530 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушди. Бу билан 700 та янги иш ўрни яратилди. Аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш 7 минг сўмдан 12 минг сўмга етди.

Сервис хизмати

Хизмат кўрсатишнинг анъанавий турлари билан бирга молия, банк, сайёҳлик хизматлари ҳам кенгайиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Бугунга келиб, маиший хизмат уюшмаси аъзолари мингдан ошди. Қишлоқ жойларда компютер тузатиш, видео, суратга олиш каби хизмат турлари ривожланаётганини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Бултур қишлоқларимизда юзга яқин маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлаган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 138 тага етади. 185 та иш ўрни яратилади.

М.ЭРНАЗАРОВ,
вилоят маиший хизмат уюшмаси раиси

Қишлоқда саноат

Интилганга толе ёр

Саноатнинг қишлоққа кириб келиши талай муаммоларнинг ечими бўлаётир. Жамоамиз билан келишиб, биз ҳам хайрли ишга бош қўшдик. Банкдан 150 млн. сўм миқдорида кредит олиб, Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлайдиган минизавод қурдик. Бу билан 20 киши муқим иш жойига эга бўлди. Улар меҳнатига яраша иш ҳақи олаяпти.

Бугунги кунда қадоқланган қаймоқ, пишлоқ, сариёғ, қатиқ, творог сингари ўн хил маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Хўжалигимизда 78 бош қорамол, 300 бош қўй, 2 бош йилқи мавжуд бўлиб, улар сонини кўпайтириш билан бирга наслчиликни яхшилашга ҳам эътибор қаратганмиз.

Ниятимиз — маҳсулдор моллар ҳисобига ишни янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида халқимиз дастурхонини тўкин қилишга ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Дўстмурод ҚОДИРҚУЛОВ,
Дўстлик туманидаги «Уста Сафер-Ота» фермер хўжалиги раҳбари

Вилоятда

Янгилик

Бир келиб-кетинг қишлоғимизга...

Халқ депутатлари Зафаробод туман кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги нашри — «Зафар йўлидан» газетаси ижодий жамоаси ойда бир марта чоп этилаётган «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» саҳифасида зафарободликларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришаётган ютуқлари, айрим муаммолари хусусида ҳикоя қилади.

Илк саҳифа «Ҳулкар» қишлоқ фуқаролар йиғини меҳнат аҳлининг бугунги жўшқин ҳаётига бағишланди.

Муҳаммад ДЎСТОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Табиат ва инсон

Қорайиб кўринар арчазор

Республика ўрмончилик бош бошқармаси тасарруфида 111.565 гектар майдон бўлиб, шундан 68 минг гектари Жиззах вилояти ҳудудига тўғри келади. Мамлакатимиздаги ўнта қўриқхонадан иккитаси, иккита табиий боғдан биттаси Жиззах вилоятида жойлашган.

Бундан 80 йил муқаддам, аниқроғи, 1928 йил 5 июнда Зомин тоғ арчазорлари қўриқхонаси ташкил этилганди. Бу нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи қўриқхона бўлиб, энг камёб арчазорларни қўриқлаш, уларни асраш, кўпайтириш ҳамда ҳудудда учрайдиган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш кўзда тутилганди.

Айни пайтда бу ерда ўсимликларнинг 600 дан ортиқ тури мавжуд. 400 дан ошиғи фойдали ўсимликлардир. Уларнинг генофондини сақлаб қолиш, бекаму-кўст келгуси авлодларга етказиш қўриқхона ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Талантбек ТЎЙЧИЕВ,
«Ishonch» мухбирлар пости аъзоси

Болалар спорти

Зоминликлар ҳам келишяпти...

Мактабимизда ёшлар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишаяпти. Ўттиздан зиёд гуруҳда 600 нафар ўқувчи 19 нафар мураббий раҳбарлигида футбол, волейбол, миллий кураш, турон якка кураши, шахмат, стол тенниси, бокс турлари билан шуғулланмоқда.

Спортга иштиёқманд болаларни тўла қамраб олиш мақсадида олис қишлоқларда ҳудудий филиаллар ишлаб турибди.

Волейболчи қизларимиз жамоаси довруғ таратаётир. Икки йилдирки, улар республика олий лигасида қатнашмоқда. Буни қарангки, ҳатто қўшни Зомин туманининг Гулшан, Зарбдор қишлоқларидаги болалар ва ўсмирлар ҳам мактабимизга келишяпти.

Равшан СУЮНДИҚОВ,
Зарбдор туман «Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби» раҳбари

Тармоқ келишуви:

Ҳамжиҳатлик ютуқларга етаклямоқда

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ўртасида 2007-2008 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви мажбуриятларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Таҳлиллар ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилганини кўрсатди. Энг муҳими, тармоқ келишувининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти» бўлимидаги барча бандлар тўлиқ бажарилган, турли имтиёз ва кафолатлар, иш ҳақига қўшимча тўловлар тўлаб келинган.

Компанияда халқ хўжалиги юкларини ва йўловчи ташиш эҳтиёжи тўлиқ қондирилганлиги ҳам алоҳида эътироф этилди. Масалан, 2008 йилда темир йўлда 62,9 млн. тонна юк жўнатилди, 14,3 миллион нафар йўловчи темир йўл орқали ўз манзилига етказилди.

– Тармоғимиз бўйича ўтган йил учун 67 та жамоат шартномалари ва битта келишув тузилган бўлиб, улар орқали 75734 нафар темир йўл ва транспорт қурувчиларининг манфаати қамраб олинган, – деди Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурот Собиров. – Ҳисобот даврида «Тошгузар – Бойсун –Қумқўрғон» ва «Навоий – Учқудуқ – Султонувайстоғ – Нукус» темир йўл линиясининг инфратузилма объектларини ривожлантириш, ҳаракатдаги таркибни янгилаш ва модернизациялаш, ижтимоий объектларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Соҳа меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзолари ҳордиқ чиқариши ҳамда соғлиқларини тиклаш масалалари ҳам Марказий кенгашнинг доимо диққат эътиборда. Ўтган йилда санаторий ва дам олиш уйларига 916 та, санаторий-профилакторийларга 2520 та йўлланма берилди. Ёз мавсумида 6730 нафар болалар оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Анжуман сўнгида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти билан тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида 2009-2010 йиллар учун тармоқ келишуви қабул қилинди.

А.ДАМИНОВ,
«Ishonch» мухбири.
А. МАМАДАМИНОВ олган сурат

Қонун барчага баробар

Ҳалол бўлса, қандингни ур...

Ўтказилган тадбирлар давомида жами 590 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, ушбу ҳаракатлар натижасида 421 та жиноят ва 169 та маъмурий иш қўзғатилди ва 1 млрд. 313 млн. сўмлик товар моддий бойликлар давлат ихтиёрига мусодара қилинди. 3 млрд. 987 млн. сўм етказилган моддий зарар миқдори аниқланиб, шундан 589,5 млн. сўм ундириб олинди. Давлат бюджетига қўшимча равишда 10 млрд. 682 млн. сўм солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиб, 4 млрд. 959 млн. сўм ундирилди.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан 4 млрд. 654 млн. сўм молиявий жарималар қўлланилиб, 139,3 млн. сўм ундирилган. Шунингдек, 2008 йил давомида давлат бюджетига жами 9 млрд. 090 млн. сўм миқдоридаги маблағ ундирилди.

Бундан ташқари, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган 7 нафар банк, 1 нафар маҳаллий ҳокимият, 7 нафар солиқ, 3 нафар ички ишлар ва 17 нафар бошқа идора ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди. Шундан 13 та ҳолатда мансабдор шахсларнинг пора олиш жиноятлари фош этилди.

Бугунги кунда маълумки, юртимизда хорижий валютанинг эркин муомалада айланиши учун давлат томонидан кенг имкониятлар яратиб қўйилган. Аҳоли гавжум жойлар ва бозорларда валюта айирбошлаш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ноқонуний валюта олди-сотдисининг олдини олиш, қалбаки хорижий валюталарнинг ноқонуний айланишига чек қўйиш ҳамда миллий валютамиз қадрсизланишининг олдини олишдан иборатдир.

Валюта операциялари ҳисоб ва ҳисоботларининг тўлиқлигини таъминлаш, хорижий валютанинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши ва валюта айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонун бузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирлар натижасида жами 65 та ҳуқуқбузарлик аниқланди ва 55 минг 507 АҚШ доллари, 850 минг қозоқ тенгеси, 30,8 млн. Ўзбекистон сўми, 102 минг Россия рубли ва 510 евро далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Халқимизда гуруч қурмаксиз бўлмайди, деган нақл бор. Бугунги дориломон замонда кимдир кичик корхона очиб, бандликка кўмаклашган ҳолда, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, фаолиятини янада ривожлантириш йўлида ҳаракат қилаётган бўлса, айрим «учарлар» қонуний фаолиятни ўзига эп кўрмай, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаб, яширин цех очиб, сифатсиз ва харидорлар саломатлигига жиддий хавф туғдирадиган истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётганлиги аниқарли ҳолдир.

Ўтган йил давомида яширин иқтисодий фаолиятга барҳам бериш борасида махсус тадбирлар амалга оширилди ва 39 та яширин цех фош этилиб, улардан 24,8 млн. сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Мўмай пул топишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз. Ҳалол бўлса-ку яхши кунларингизга буюрсин, агарда бировларнинг ҳақига хиёнат қилиб, алдов ёки бошқача айтганда, ноқонуний бўлса-чи? Унда бу бойликларингизнинг баракаси бўлармикан. Тўғирроғи, буюрармикан?

Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида ноқонуний пул айланмаларининг илдизига болта урилди. 6 млрд. 428 млн. сўм нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмаси аниқланди. 74 та жиноят ва 2 та маъмурий иш қўзғатилди ҳамда 2 млрд. 906 млн. сўм молиявий жарималар қўлланилди.

Четдан мамлакатимизга ноқонуний равишда олиб кирилиши ва муомалага киритилиши билан боғлиқ 104 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан жами 872,6 млн. сўмлик ҳужжатсиз товар моддий бойликлари олиб қўйилди.

Этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомалага киритилиши билан боғлиқ 71 та жиноят ишлари қўзғатилиб, қонунбузарлардан 27,1 млн сўмлик маҳсулотлар мусодара қилинди.

Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси Тошкент тумани бўлими ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиётга оид қарорлари ижроси юзасидан бошқарма бошлиғининг буйруғига асосан тадбир ўтказилди.

Натижада, Тошкент тумани «Кўк-сарой» ҚФЙ «Минералсувлар» кўчасидаги, «Кўк-сарой» ҚФЙ идораси орқасида жойлашган омбор сифатида фойдаланаётган бинода З.Хабибуллаева тегишли бўлган, ҳеч қандай ҳужжатларсиз 4485 қоп, 191.467.500 сўмлик ун маҳсулотлари сақланаётганлиги аниқланди. Тадбир якунида 224250 кг. жами 191.467.500 сўмлик ун маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан «Кўк-сарой» МЧЖ раҳбари З.Хабибуллаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан қонуний чора кўрилди.

А.САЙДАВУТОВ,
Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси катта инспектори

Мелиорация



Барчанинг кўнгли тўлсин

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз деҳқончилигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Мазкур Қарорга кўра жамоамиз тегишли идоралар билан ҳамкорликда иш тутиб, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини туманлардаги сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермер хўжаликлари билан чуқур таҳлил қилдилар.

Ирригация-мелиорация тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Аввалари бу соҳа ҳудудий-маъмурий жиҳатдан бошқарилган бўлса, эндиликда бошқаришнинг ҳавза тизимига ўтилди. Бу ўз навбатида сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ирригация-мелиорация тармоқларига сарфланаётган капитал маблағлар кутилган самара бермоқда.

Вилоятнинг қатор туманларига оби-ҳаёт етказиб бериш, ирригация-мелиорация шохобчаларини тартибга солиш каби муҳим ишлар билан шуғулланувчи «Мирзачўлдавсувмахсус» Давлат унитар корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Жиззах гидрогеологик мелиоратив экспедицияси 2008 йили 689,96 км. очиқ зовурлар, 364 км. ёпиқ дренаж тармоғи, 2 та сув ўлчаш иншооти, 3 та мелиоратив, 43 та кузатув қудуғида таъмирлаш-тиклаш ва созлаш ишларини бажарди.

Махсус Давлат унитар корхонасидан ташқари «Муҳандис-мелиоратор», «Нодир-Ҳабибулло», «Жиззахирқурилиш», «Фарҳод-Саттор» каби ўттизга яқин ёрдамчи пудратчиларнинг 40 дан ортиқ замонавий экскваторлар билан таъминлангани юқори самарадорликка эришиш имконини берди. Экспедиция жорий йилда 15 та лойиҳа асосида зовурларни тизимли тозалаш, 6 та мелиорация объектини реконструкция қилиш ҳамда қурилиш ишларига 6920,9 млн. сўм маблағ сарфлашни режалаштирди. Бу билан вилоятдаги 26.442 га ернинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланади.

Ҳадемай далаларда экин-тикин ишлари бошланади. Обиҳаётни фермер хўжаликлари ҳамда бошқа истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш учун барча шарт-шароит яратилган.

Ҳасан ҲАЙДАРОВ,
«Мирзачўлдавсувмахсус» Давлат унитар корхонаси бош муҳандиси

Тажриба. Ташаббус

Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш йўли билан эл дастурхонини янада файзли қилишга жиззахликлар астойдил киришган. Вилоятда 7372 га боғ, 4028 га токзор мавжуд. Ҳосилдорлик йил сайин кўпаймоқда. Боғдорчилик Бахмал, Ғаллаорол, Зомин туманларида, узумчилик эса Фориш, Янгиободда тобора ривожланмоқда.

Ҳаводан ўрин йўқ

боғ ва токзорлар оралиғида йилига икки бор ҳосил олинмоқда

Мавжуд боғ ва токзорлар аллақачон ўзининг ҳақиқий эгасини топган. Фермер бугун ўзига ажратилган ернинг ҳар бир қаричидан даромадли экин экиш ҳисобига кўпроқ самара ва фойда олишни кўзлайди.

Бугун боғ ва токзорлар экин майдонларидан сиқиб чиқарилмаяптими, деган хавотир йўқ эмас. Чунки ҳамон вилоятнинг чўл ҳудудларида пахта, ғалла етиштиришга мойиллик кучли. Аввалари Пахтакор, Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл, Зафаробод, Зарбдор каби туманларнинг ҳар бирида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжалик бўлиб, бу хўжаликлар ҳанузгача халқ тилида «садвин» хўжалиги деб юритилади. Пахтакор туманидаги Х.Абдужабборов номли собиқ боғдорчиликка ихтисослашган хўжалик «Олмазор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Йиғин раиси Ҳ.Қаршибоевнинг таъкидлашича, хўжаликда 1200 га, экин майдони бўлиб, деҳқонлар пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланади. Экин майдонлари йигирмага яқин фермер хўжалиги ихтиёрида.

«FSB-К» фермер хўжалиги раҳбари Бобо Ғайратов қизиқ бир воқеани сўзлаб берди. Айтишича, «юқори»дан келган бир гуруҳ комиссия аъзолари роса дала айланиб, ёз чилласида анча ҳоригач, бироз тин олиш учун Бобо аканинг даласида тўхташади. «Меҳмонларга бир пиёла сувдан бошқа нарса тутқаза олмадим. Боғ орасига ҳам пахта экмаганимизда бундай бўлмасди», — дейди фермер куйиниб.

— Боғ ва токзорларни далаларимиздан қисиб чиқараётганимиз ҳақиқат, — гапини давом эттиради у. — Жамоамизга тегишли майдоннинг 5 гектарида эски боғ, 2 гектарида янги боғ мавжуд. Лекин шу пайтгача ҳам боғ орасига пахта экиб келардик. Президентимизнинг экин майдонларини оптималлаштириш юзасидан чиқарган қарори бундай нохушликларга чек қўйди. Эндиликда боғ оралиғида сабзавот, полиз экинлари парваришлаб, гектаридан 1,5-2 миллион сўмгача нақд даромад олиш имконияти яратилди.

«Олмазор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 76 та деҳқон хўжалиги фаолият юритяпти. Қувонарлиси шундаки, уларга ажратилган ер майдонларида янги боғ ва токзорлар бунёд этилмоқда.

Самадовлар хонадони ана шулардан бири.

—Меҳнатда ҳикмат кўп, — дейишди хонадон соҳиблари. — Ишлаб кам бўлмадик.

Оилага тегишли 1,5 га ер бўлиб, тўлиқ боғ қилинган. Ўтган йил дарахтлар орасига буғдой экилиб, 9 тонна ҳосил олинибди. Сомони молга хашак, экиндан бўшаган майдонга эса такрорий экин — маккажўхори экилди.

Хуллас, оралиқ экиндан оила бюджетига уч миллион сўм даромад келибди.

— Узоқни кўзлаган киши кам бўлмайди, — дейишди улар. — Ернинг ҳар қаричи олтиндан қиммат. Унинг умрини беҳуда ўтказиш — нонтепкилик билан баробар. Қолаверса, ер ҳам қарғайди. Кўчатлар оралиғини 7х8 квадрат метр қилиб экканмиз. Шунда гектарига 200 туп кўчат жойлашади. Бунда кўчат оралиғига техникада ишлов беришда қулайлик яратилиши билан бирга оралиқ экини бемалол экилаверади.

А. АБДУМАННОПОВ

Санъат

Олис гўшаларда – театр томошалари

Драматург Ҳайитмат Расулнинг Юнус Ражабий номидаги Жиззах мусиқали драма театрида саҳналаштирилган «Сайдинг қўябер, сайёд» асари барчада катта қизиқиш уйғотди.

— Асардаги воқеалар шу кунларда содир бўлади, — дейди театр бош режиссёри И. Норматов. — Унинг бош ғояси меҳр-оқибат ҳақидадир. Ана шу юксак инсоний ҳиссиёт боис жажжигина кийик боласи ўлимдан асраб қолинади ва озодликка қўйиб юборилади.

Шунингдек, «Тўда», «Ошкора қотиллик» каби спектаклларимиз ҳам томошабинлар эътиборини тортмоқда. Театр жамоаси вилоятнинг чекка жойларидаги қишлоқларга бориб, ўз санъатини намойиш этаётир. Шу бугунгача Ғаллаорол, Дўстлик, Зафаробод туманларида гастрол сафарлари муваффақиятли ўтди.

Ҳасан ИБРАГИМОВ,
«Ishonch» мухбирлар пости аъзоси

Булоқ сувлари кифоя

Хушманзара Бахмалнинг Оққўрғон қишлоғида яшайман. Иқлим шароити салқин бўлган бизнинг ерларда йилига иккиуч бор ҳосил олиш мушкул. Қолаверса, ажратилган томорқанинг ҳар бир қаричи ҳисобли. Экин майдонининг уват, қиялик жойларига олма, ариқ, жар ёқаларига терак, тол, ёнғоқ, жийда сингари дарахтлар экиб, улардан йил сайин мўмай даромад олаётганлар топилади. Турғун, Асадулла, Баҳром, Умарали, Исоқул, Тангир, Дилмурод, Раҳматулла, Адҳам сингари ўнлаб ҳамқишлоқларим ана шулар сирасидан. Улар саъй-ҳаракати ўлароқ қишлоғимиз яшилликка бурканиб, янада файзли бўлаётир.

Экин экиш мумкин бўлмаган паст-текисликлар, уватлар фермер хўжаликларида истаганча топилади. Ана шундай жойларда ҳам кўзни қувонтирадиган боғ-роғлар бунёд этиш мумкин. Бунинг учун булоқ сувларини елим қувурлар орқали лалми майдонларга келтириш кифоя.

Ўрозбой АЗИМОВ,
меҳнат фахрийси

Қўшсаҳифани «Ishonch» мухбирлари Абдуманнон АЗИМОВ ва Шарофат НОРҚУЛОВА тайёрлади

Кўза кунида синади

Тадбиркорлик учун барча шарт-шароит яратиб қўйилган бир пайтда ўзгалар ҳақига хиёнат қилишдан қўрқмайдиган, қолаверса, мавжуд қонунларга чап бермоқчи бўлаётган кимсалар оз бўлса-да учраб турибди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Оққўрғон туман бўлими вакиллари ҳамкорликда шаҳар ҳудудида тезкор тадбир ўтказишди. Тадбирда Ўзбекистон фуқароси Фурқат Ирисматов ноқонуний равишда ҳар бир АҚШ долларини 1750 сўмдан ҳисоблаб, сотганлиги аниқланиб, 3000 доллар далилий ашё сифатида олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

М. КОМИЛОВ,
Департаментнинг Оққўрғон тумани бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи



«Марказгазтаъминот» акциядорлик унитар корхонаси касаба уюшмаси

Ҳалқимизни ва барча соҳа ходимларини гўзаллик ва уйғониш айёми — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Хонадонларимиздан тўкинлик, файзу барака аримасин! Қалбимизни баҳорий кайфият ҳеч қачон тарк этмасин. Гўзаллик, нафосат, бахт ва толе доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши

Мамлакатимиз халқини умумхалқ Наврўз байрами билан муборакбод этади. Уларга заминимизни яшилликка, кўнгилларни сурурга тўлдириб ташриф буюрган гўзаллик ва ёшлик фасли қутлуғ бўлсин. Эзгу ишларида омадлар тилаб қолади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Соҳа ходимларини нафосат, гўзаллик, янгиланиш айёми — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Хонадонларимиздан тўкинлик ва файзу барака аримасин! Сиҳат-саломатлик, руҳан тетиклик ҳамроҳингиз бўлсин!

«ЧИНОБОД САНАТОРИЙСИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимиз фуқаролари ва барча касбдошларни Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайди ҳамда мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга чорлайди.

Санаторий Тошкент шаҳридаги бальнеологик курорт-дир. Даволаниш учун кўрсатмалар: овқат ҳазм қилиш касалликлари ремиссия босқичида, гинекологик касалликлар, қандли диабет.

Асосий даво омиллари: Тошкент артезиан ҳовузининг (+51 даража С) маъданли суви, хлорид-гидрокарбонатли натрийли сувлари, Балиқли кўлининг балчиғи.

Сиҳатгоҳда зарур ташхис ва даволаш хоналари мавжуд. Маъданли сувдан ванналар, ичакни чайиш, меъдани ювиш, дуоденал дренажлар учун, шунингдек, шифобахш ичимлик сифатида фойдаланилади. Парафин-озокерит билан муолажалар, сув остида душ-массаж қилинади. Табиий даволаш омилларидан ташқари физиотерапия, уқалаш, даволаш жисмоний тарбияси амалга оширилади. Парҳез овқатлар берилади.

Ётоқ бинолари шинам қилиб безатилган, барча қулайликларга эга, бир-икки хоналардан иборат.

Кино зали бўлган клуб, кутубхона, спорт майдончалари бор. Экскурсиялар ташкил этилади.

Санаторий ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.



Санаторийимизга хуш келибсиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, О.Зокиров кўчаси, 88-уй.
Телефон: 212 29 12.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси «Куюв механика заводи» шўъба корхонаси жамоаси

Ўзбекистон темирйўлчилари, ҳамюртларимиз ва ҳамкорларимизни яшариш, уйғониш ва янгиланиш байрами Наврўз айёми билан чин дилдан табриклайди!

Истиқлолимизнинг ўн саккизинчи баҳорида кириб келаётган ушбу айёмда барчага сиҳат-саломатлик, яхши кайфият ва муваффақият тилайди. Кўкламнинг қадамлари ҳар бир оилага қувонч, тўкинлик ҳамда юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун янада янги имкониятлар олиб келаверсин! Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилояти вакиллиги мамлакатимиз фуқароларини уйғониш, янгиланиш ва яшариш айёми, қут-барака, тўкинлик, меҳр-оқибат рамзи Наврўзи олам кириб келиши билан самимий табриклайди.

Сўлим баҳорнинг фусункор дамларида озод ва обод юртнинг ёрқин истиқболига юксак ишонч билан боқиб, бугунги нурафшон кунларга, ҳаётнинг бебаҳо неъматларига соғ-саломат етишганимизга шукроналар айтиб, фидокор ва бунёдкор халқимизга бахт-саодат, Ватан фаровонлиги йўлидаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

«Шўртаннефтгаз» ушбу шўъба корхонаси пасмурияти ва касаба уюшма қўмитаси азиз ҳамюртларимизни ушбу айём — баҳор ва гўзаллик, меҳр-мурувват байрами Наврўзи олам билан самимий муборакбод этадилар. Покланиш, янгиланиш даврини бошлаб берадиган бу табаррук кунда барча фуқароларга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилайди. Наврўз билан хонадонингизга ҳушкайфият, тотувлик, қут-барака кириб келсин.

«Максам – Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшмаси соҳа ходимларини гўзаллик, нафосат, мурувват, саховат рамзи – Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади.

Улуғ байрамнинг ҳаётбахш зиёси қалбингиз, хонадонингизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан нурафшон этсин. Юртимизда тинчлик ва осойишталик доимо барқарор бўлсин!

«ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимиз фуқароларини ва барча касбдошларни Наврўз билан қутлайди ва мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга чорлайди.

Санаторий Фарғона шаҳридан 32 км. узоқликда, Қатран-Тау тоғ тизмаси ёнбағрида, Олтинсой дарёси водийсида жойлашган бальнеологик курортдир.

Даволаш омиллари — минераллашган олтингугурт-водородли маъданли сувларда ванна қилиш, чайиш ва душга тушиш, шунингдек, сульфат-гидрокарбонат-натрийли кучсиз минерал сувлар ичиш. Балиқли кўлининг шифобахш балчиғи эса аппликация ва галвано-балчиқ усулида берилади.

Даволаш учун кўрсатмалар: асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари ва гинекологик, урологик касалликлар.

Ётоқ бинолари бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат. Алоҳида бинода болалар ота-оналари билан даволанишлари мумкин.

Сиҳатгоҳда бугунги куннинг талабларига жавоб берадиган даволаш-ташхис қўйиш хоналари, физиотерапия, даволаш жисмоний тарбияси, уқалаш, психотерапия, лазеротерапия, парафин-озекерит, фитотерапия ва парҳез овқатланиш соғлиғингизни тиклаш мақсадларида қўлланилади.

Даволаш масканида ошхона, маданият саройи, кутубхона, рақс ва спорт майдончалари, алоқа бўлими, сартарошхона ишлаб турибди. Экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Фарғона вилояти, Фарғона тумани, «Чимён» санаторийси.
Телефакс: 8(373)3523561

Ishonch 2009-yil 17-mart
№ 32-33 (2682)

■ Касаба уюшма спорти

Спартакиада

соғлом турмуш тарзига хизмат қилади

Мустақиллик йилларида тарихий қадриятларимизни қайта тиклаш, аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон шаҳарларининг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди.

Айни кунларда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Қутлуғ тўйга тайёргарлик республикамизнинг барча таълим муассасалари, ташкилотларда қизғин бормоқда.

Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси, таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси, халқ таълими ҳамда маданият бўлими ҳамкорликда мазкур сана муносабати билан мактабгача таълим муассасалари ходималари ўртасида «Барчиной қизлари» спартакиадасини ўтказди.

Иштирокчилар «Чилонзор» спорт мажмуасида волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси, арқон тортиш каби спорт турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Бу тадбир болажонларни камол топтиришга масъул соҳа вакиллари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга хизмат қилади, — дейди туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ўлмасхон Қаҳҳорова. — Уларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда бундай мусобақалар муҳим рол ўйнайди.

Спартакиада якунида ғолиб ва фаол иштирокчилар таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

■ Сўраган эдингиз



Кўкрак бези саратони. Аёллар бу касалликка ёнғиндан қўрққандек ҳадик билан боқишади. Шунинг учун ҳам шифокор гинеколог қабулига бораётганда уларнинг кўнглида қандайдир шубҳа, қўрқув, албатта, бўлади. Аёллар кўкрак безини текширадиган шифокор тиббиёт тилида маммолог деб аталади. Бу сўз «мамма», яъни аёлларнинг кўкрак бези маъносини билдиради. Ҳозирги кунда маммологларнинг иши кўпайиб бормоқда, сабаби кўкрак бези саратони аёлларда кўпайиб, ногиронликнинг асосий сабабчиси бўлмоқда. Аёлларнинг оддий ҳолатларда шифокорга учрашмай, бепарво юришлари кейинчалик оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Энг кўп учрайдиган касалликлар — мастопатия, фиброаденома, мастит, папеллломани кўпинча рак билан алмаштириб қўйишади.

МАСТОПАТИЯ

ХАВФЛИ КАСАЛЛИКМИ?

Диққинафасликдан сақланинг

Бу хасталик ҳар икки аёлнинг бирида учрайди. Кўкрак безида қаттиқ, думалоқ тугунчалар пайдо бўлиб, оғриқ ҳосил қилади. Бу ҳолат кўкрак бези тўқимасининг ўсаётганини билдиради. Мастопатия хавфсиз бўлиб, уни самарали даволаш мумкин. Бунда кўкрак безидан яшил, оқ сариқ рангли сутга ўхшаган суюқлик модда ажралиб чиқади. Хавфли томони — зудлик билан даволанмаса, мастопатия вақт ўтиши билан тугунчалар пайдо бўлиб, саратонга айланиб кетиши мумкин.

Тугунли мастопатиянинг биринчи белгиси — кўкракда кучли оғриқ пайдо бўлиб, ундан суюқлик ажралиб чиқади. Кўкрак безида ўсмасимон шаклли тугунларни пайпаслаб аниқлаш мумкин. Шунинг учун кўкрак безида қандайдир ноқулайлик, шиш сезсангиз, дарров шифокор қабулига шошилинг ва шу билан бирга профилактик кўрикдан мунтазам равишда ўтиб туринг.

Даволаш усули. Агарда вақт ўтиб кетиб, шифокор тугунли мастопатия ташхисини қўйса, консерватив даволаш усулини қўллаш мумкин, лекин кўпинча бундай ҳолларда жарроҳлик усули қўлланилади. Ялпи тарқалган мастопатияда одатда гомеопатик, антиоксидант ва фитопрепаратлари тавсия этилади. Гоҳи ҳолатларда гормонал терапия қўллашга тўғри келади.

Хавфли гуруҳга кирадиган аёллар: эндокрин тизимида муаммолари бор, жигар хасталиги кузатиладиган аёллар. Шу билан бирга эрта жинсий етилиш рўй берган қизлар ҳам ушбу хавфли гуруҳга киради.

Айниқса, эҳтиётқорликни талаб қиладиган ҳолат шуки, аёлларда она томонидан аниқланган онкологик касалликларнинг борлигидир. Шунингдек, кўп аборт қилиниши, фарзанд кўрганда кўкрак билан эмизмаслик, стресс, кўп сиқилиш натижасида ҳам ушбу хасталик рўй беради. Олимларнинг фикрича, кўп диққинафас бўлиш, ҳаётий нотинчликлар, келишмовчилик мастопатия хасталигига олиб келади.

Фиброаденома

Бу хавфсиз ўсма кам ҳолатда хавфли ўсмага айланиши мумкин. Қолаверса, кўкрак безидаги оғриқлар одатдагидек кузатилмайди.

Хавфли томони — оддий фиброаденомадан ташқари барг шаклидагиси ҳам бўлиб, у кўпинча хавфли ўсмага ўтиб кетиши мумкин. Даволаш усуллари — фиброаденомаларни 1 см.гача бўлганда шифокор кузатиб боради. Агар улар 1,6-2,5 см.га етса, жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Худди шу ҳолат баргсимон фиброаденомага ҳам тааллуқлидир.

Фиброаденомалар кўпинча балоғатга етаётган даврда (15-18 ёш) пайдо бўлади ва бу ҳолат кўкрак безининг нотўғри ривожланиши билан боғлиқдир.

Проток, яъни арикча ичидаги папилемма кўкрак безининг сут арикчалари ичида пайдо бўладиган ўсмадир. У бир неча миллиметрли баргсимон шаклда бўлади. Хавфли томони, бу хасталик кўпинча оғриқ бермайди. шунинг учун аёл ғафлатда қолиши мумкин. Лекин доимий равишда сут арикчаларидан суюқлик келиши кузатилади. Бу суюқлик тиниқ, қон аралаш ва ҳатто қора рангда бўлиши мумкин. Бундай арикча ичида жойлашган папиломаларнинг кўп қисми саратон ўсмасига айланиши хавфи анча юқоридир.

Даволаш усуллари: касалликнинг асосий даволаш йўли — бу жарроҳлик операциясини қўллашдир. Операция кўкрак безининг ташқи кўринишига таъсир қилмайди. Хавфли гуруҳлар: кўпинча ушбу касаллик катта ёшдаги аёлларда учрайди, бу ҳол уларда рўй берадиган ҳайз кўриш тўхтаб қолишидан олдинги давр — менопаузада кузатилади. Бу бузилиш одатда гормонал тизимнинг фаолиятини бузилиши ва шикастланишидан келиб чиқади.

Касалликнинг олдини олиш

Бу муаммонинг олдини олиш учун қиз бола ва аёлларда кўкрак безида кичкина шикоят ёки муаммо пайдо бўлиши ҳамоноқ зудлик билан шифокорга мурожаат қилиши шарт. Акс ҳолда...

Бу касалликлардан халос бўлишнинг оддий, лекин фойдали усули — доимий равишда шифокор текширувидан ўтиб туришдир.

Огоҳ бўлиш лозимки, аёлларнинг ҳомиладорлик даврида бу касалликлар фаоллашади. Шу билан бирга фарзанд туғилгандан сўнг чақалоқни эмизиш даврида ҳам ўсмалар катталашиб кетиш хавфи бор.

Маммография — асосий текшириш бўлиб, аёлнинг кўкрак без касалликларини эрта аниқлашда ёрдам беради. Бундан ташқари, кўкрак безини ультратовуш текширувидан ўтказиш тавсия этилади. Бундай текширишлар республикамизнинг барча қишлоқларида ташкил қилинган. Бу усулни кўпинча турмушга чиқмаган қизларда ва туғмаган аёлларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Кўкрак бези арикчаларини текшириб туриш ҳам фойдадан холи эмас. Уларда папиллома ўсмаси борлигига шубҳа туғилса, дуктография усули қўлланилади. Яна битта ташхис қўйилишига ёрдам берадиган усул — пункциядир. Унда ингичка нина ёрдамида кўкрак безидаги тугунчадан тўқима олинади ва уни микроскоп орқали бўяб текширилади. Шифокор гистолог қўйган ташхис тўғри даволашда ёрдам беради. Кўпинча аёлларимиз истиҳола қилиб, бундай усулдан ўзларини олиб қочишади, лекин бу уларнинг ҳаёти учун хавфли эканлигини англаб етишлари шарт.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Пири бадавлатларимиз

Ўғилой момонинг 114 баҳори

Боёвут тумани «Қаробчи» маҳалласидаги Ўғилой момо хонадони ҳар йили баҳорда катта тантана гувоҳига айланади. Кенг ҳовли кўни-қўшни, қариндош-уруғ, невараю чевараларнинг ташрифидан яшнаб кетади. Хонадон келинлари елиб-югуриб бир маҳаллага етгулик ширинликлар, ёғли қатлама, кўк сомса тайёрлашади. Тандирга ўт қалаб ширмой нон ёпишади. Бўрдоқи қўй сўйилиб, дошқозонда палов дамланади.

Бу йилги саъй-ҳаракатларнинг бари табаррук онахон Ўғилой момо Мирзаевaнинг муборак 114 ёшини нишонлашга қаратилди.

— Яратган эгам менга шунчалик узоқ умр, ризқ-насиба берганига беадад шукр қиламан, — дейди Ўғилой момо биз билан суҳбатда. — Умримни ҳалол меҳнат билан ўтказдим. Мана, кам бўлганим йўқ.

Ўғилой момо бир зум тин олиб, узоқ хаёллар оғушига толади. Келинлари узатган пиёладаги чойдан бир ҳўплаб, сўзида яна давом этади.

— Не-не оғир кунларни бошдан кечирмадим. Раҳматли чолим билан даладан бери келмай ишлаганмиз. Ҳаттоки қишнинг аччиқ изғиринида қолган кунларимиз бўлган. Очарчилик замонларини ҳам кўрдик. Буғдой ўрнига маккажўхори донини тегирмондан ўтказиб ҳали зоғора, ҳали атала пиширib кун кечирдик. Буғдой нонни орзу қилардик. Мана бугунги фаровонлик, тўкинчиликни қаранг. Дастурхонимиз ширмой нонга тўла.

Онахон тўрт нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Тўрт фарзандидан 30 невара, 55 чевара, кўплаб эвара кўрди. Момо чевара-эваралар исмини айтишда адашиб кетиб қулиб қўяди.

Давра тўридан жой олган Ўғилой момо билан хайрлашар эканмиз, онахон дуога қўл очди:

— Элимизни шундай фаровонликка бошлаган Юртбошимиз омон бўлсин. Дастурхонимизга қут-барака ёғилсин.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch» мухбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

ёхуд Андижон олимпия захиралари коллежининг зафарли одими

Жаҳон ва Олимпия ўйинлари ғолиблари боксчи М.Абдуллаев, Ў.Ҳайдаров, Б.Султонов, Т.Туляков, дзюдочи У.Халилов, оғир атлетикачи Игор Халилов, спорт гимнастикаси бўйича А.Дзюндзяк, Е.Усарова ва Т.Левина (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), таэквандочи И.Кайдашовалар шу билим даргоҳи талабалари бўлишган.

Ана, бир гуруҳ ёшлар қўлларига хоккей таёғини олиб, икки жамоага бўлинган ҳолда машғулот ўтказишмоқда. Айтмоқчи, улар устози Р. Маматказин бошчилигида 2008 йил 12-16 ноябр кунлари Малайзияда ўтган Осиё чемпионлар кубоги баҳсларида фахрли 3-ўринни эгаллашган. Белбоғли кураш бўйича Африканинг Того мамлакатида ташкил этилган жаҳон биринчилигида Ж.Бозоров, М.Ашуровлар, Россиядаги турнирда Б.Мўйдинов совриндорлар сафидан жой олди.

Коллеж боксчилари Ботир Маҳмудов ва Жасур Латиповлар Мексиканинг Гвадалахара шаҳрида ўтказилган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида муносиб ўринбосарлар бўлиб етишаётганликларини исботлашди. Коллеж вакиллари 425 та халқаро, республика ва вилоят мусобақаларида зафар қучишди.

Биз коллеж директори, белбоғли кураш бўйича республика тоифасидаги ҳакам Аҳмаджон Ғофуровни суҳбатга тортдик.

— Аввало, шуни айтмоқчиманки, коллежимизда спорт билан жиддий шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган, — деди у. — Бу ерда жами 31 та йўналиш бўйича спортчилар тайёрланади. Коллежимизда Марказий Осиёда ягона бўлган 108х49м ҳажмдаги спорт манежи, бокс, кураш, оғир атлетика ва тренажёр заллари мавжуд. Қишки ва ёзги сузиш ҳавзалари, баскетбол, волейбол майдонлари, теннис корти, 20 минг ўринли стадион талабалар хизматида. Ушбу спорт иншоотларида 1534 нафар ўқувчи-талабаларга 116 нафар малакали мураббий ва услубчилар машғулот ўтади. Уларнинг 5 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» эканлиги эътиборга молик. Спорт саломатлик демакдир. У ҳар жиҳатдан соғлом бўлишни тақазо этади. Коллеж тиббиёт бўлимида 2 нафар олий тоифали врач, 3 нафар 1-тоифали, 8 нафар ҳамшира меҳнат қилади. Талабалар йилига икки марта тиббий кўрикдан ўтказилади. Соғломлаштириш, иш қобилиятини ошириш, зўриқишнинг олдини олиш, тўғри овқатлантириш бўйича мунтазам текширув йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчилар 4 маҳал иссиқ овқат ва зарур витаминлар билан тўлиқ таъминланмоқда.

Қувонарли томони шундаки, ўтган йили 2 нафар ўқувчи — Манзура Мамасолиева ва Гулмира Эргашевалар «Халқаро тоифадаги спорт устаси» талабини бажарди. Мураббийлар А.Размахов, Б.Расулов, А.Ширяев, Ш.Қорабоев, О.Турғунов, А.Нормирзаев, Р.Ибрагимов, С.Пардаев, З.Тойғанбоев, М.Мамарозиқова, Ғ.Исроилов, Р.Ахмадуллин, Л.Суховянский, А.Корнилов, А.Носиров ва бошқалар спорт турлари бўйича етакчи мутахассислардир.

11 та фан тўгараги ишлаб турибди. Илм даргоҳининг икки нафар талабаси «Келажак овози» ёшлар мега-танловида республика босқичи ғолиби бўлишди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

У берилиб ёзаётган эди. Ҳикоянинг бош қаҳрамони бўлмиш аёл покиза, серғайрат, одобли, гўзал, оқила, хуллас, фаришта эди.

Аёл ва хаёл

Қатра

Аёлдаги фазилатларни у шу топда хотинига қиёс қиларди. Чиройли ва силлиқ чиқаётган жумлалардан баҳри дили очилиб, равон ёзаётган қаламдан ҳам, фикрлашдан толиқмаётган миясидан ҳам айни пайтда жуда-жуда хурсанд эди. Шу маҳал хонага оёқ учида юриб хотини кириб келиб, елкасига қўлини қўйди. Бармоқлардаги қўш тилла узукни кўриб, унинг фикри бўлинди. Бошини кўтариб, хотинининг уйқу босган кўзига қаради.

— Ҳеч нарса керакмасми, жоним? — хотини гапирганда терилган қошлари кокила сочларини ўпгудек бўлиб, тилла тишлари ярқираб кетди. — Нималарни бичиб-тўқияпсиз?

Энсаси қотди. Лекин буларни сездирмаслик учун беҳол тиржайди. Ич-ичидан эса илҳом париси ушбу дақиқаларда уни ташлаб узоқ-узоқларга кетиб бораётганини сезди.

— Керакмас, — деди у истамайгина.

Хотини чиқиб кетди. У қаламни қўлдан қўймай, лабини тишлаганича узоқ ўтирди, аммо энди бир сатр ҳам ёзолмади, сўнг боя ёзиб ташлаганларига ҳайрон тикилди. Қаҳрамонининг қошлари ҳам терилмаган, тилла тишлари ҳам йўқ, муомаласи содда, сўзлари самимий, кўнгли очиқ бир аёл. Бемаврид эрининг ишига ҳам ҳалақит бермаса керак. Аммо бунча фазилат бир аёлга ортиқчалик қилмасмикан?!

Барибир бошқа ёзолмади. Ноилож қаламни ташлади, қоғозларни йиғди. Қолган ишга қор ёғади энди. Яна бир дақиқа кирмай турганда, қаҳрамонининг фазилатларини хотинида мужассам кўргандек ич-ичига сиғмай қувонарди-я...

Адҳам ДАМИН

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Республика Кўчмас мулк биржасига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Тико» русумли, д/р 12АС578 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 700 000 сўм.**

2. «Тико» русумли, д/р 15АВ117 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

3. «Тико» русумли, д/р 13АС419 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2009 йил 20 апрел куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари 20 апрел куни сотиладиган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 23 ва 27 апрел кунлари соат 10:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО-00901, ИНН-200933850, х/р:20210000500571452105.

Манзил: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов туман, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши Хива педагогика коллежи директори

Зарифбой ҚЎЧҚОРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ishonch

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: T.Shernayev
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 22.00

Буюртма Г — 214

20767 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 56